



Барча асарларимни чоп
етишда ҳомийлик қилаётган
фарзандларим — Ёрқинжон,
Хуршиджон ва Фарҳоджонга
оталик ташаккурини
изҳор этаман.



Аҳрор ҲАСАНОВ

**МУҲАББАТ ФОРМУЛАСИ
ЁКИ
ВИЖДОН АЗОБИ
(етти кўринишли драма)**

"Бухоро"

Тақризчилар:

О САФАРОВ – филология
фанлари доктори, профессор.

У. ОМОН – Ўзбекистон халқ
артисти, режиссёр.

АСАР ҲАҚИДА СЎЗ

Тиниб тинчимас одамлар—е, нималарни ўйлаб топмайди—я. Муҳаббат формуласи ҳам бўларканми? Сувнинг формуласини биламан, пулнинг (олтиннинг) формуласини борлигидан хабарим бор, лекин муҳаббат формуласи...

Ажабланманг азиз замондош, муҳаббатнинг ҳам формуласи бўларкан. Агар у экологик жиҳатдан тоза, соф севги бўлса, Рост—да, баъзибир ёшлар севги билан ҳаваснинг фарқини бир—биридан ажратолмай оила қурадилар—у, кейин афсусланиб, ҳамма кўргуликларининг сабабини муҳаббатга тўнкайдилар: муҳаббат йўқ экан, муҳаббат рўё экан ва ҳоказо...

Шундай экан унинг аниқ формуласини излаб топиш зарур. Негаки ҳамма соҳада бўлганидек, муҳаббатнинг ҳам сохта

нусхалари кўпайиб бораяпти.

Бир вақтлар Пифагор дегани муҳаббат формуласини садоқат, ишонч, меҳрдан сайқал топган қаср деб таърифлаган экан. Бутун эса кимдир уни гўзаллик, яна кимдир ёшлик рамзи деб ҳисоблашади. Кейинги пайтда афсуски формулага пулни ҳам, молу—давлатни ҳам қўшадиганлар учраб турибди.

Файласуф олим А. Ҳасановнинг "Муҳаббат формуласи" асарининг қаҳрамонлари ана шу ҳақда баҳс юритишади. Унинг "Қароқчи аёллар", "Ота дуоци", "Онамга келиб бўласизми" асарлари кўпчиликка таниш. С. Айний номидаги Бухоро Давлат мусиқали драма ва комедия театрида саҳналаштирилган. Лекин буниси мутлақо бошқача. Оҳори тўкилмаган фикрлар. Яхшиси, ўзингиз ўқиб, ишонч ҳосил қилинг.



Тошпўлат АҲМАД,
шоир, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими.

ВОҶЕА ИШТИРОКЧИЛАРИ:

1. Мурод —	32 — 33 ёшларда
2. Шахноза — (Муроднинг хотини)	28 — 29 ёшларда
3. Оқсоқол —	58 — 60 ёшлар атрофида
4. Манзура — (Муроднинг онаси)	55 — 58 ёшларда
5. Рустам —	24 — 25 ёшларда
6. Ҳилола —	17 — 18 ёшларда
7. Лола — (Муроднинг қизи)	7 — 8 ёшларда
8. Судя —	50 ёшларда атрофида
9. Латиф — (Тўй давра боши)	14 — 25 ёшларда
10. 1 — ҳамшира	22 — 23 ёшларда
11. 2 — ҳамшира —	22 — 23 ёшларда
12. Мўмин —	Шахнозанинг отаси
13. Зулфия —	Шахнозанинг онаси

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

(Гўзал хиёбон, ўриндиқда битирувчи синф ўқувчиси — Мурод ва Шахноза баҳслашмоқда)

Шахноза —	Ҳа Мурод, нима бўлди, кайфиятинг яхши эмас.
Мурод —	Ўзим, шундай.
Шахноза —	Синфда биртаси билан тортишиб ҳам қолдинг. Нима бўлди?
Мурод —	Кўрмадингми, партамизга "Мурод плус Шахноза" — деб ёзиб қўйишибди. Буяб ташлабди.
Шахноза —	Ким ёзибди?
Мурод —	Билмадим.
Шахноза —	Барибир сезишибди — да, Мурод.
Мурод —	(ҳайрон) Нимани, нимани сезишади?
Шахноза —	Ўртамизда плус борлигинида.
Мурод —	Тушунмадим, қанақа плус.
Шахноза —	(Муроднинг анқовлигидан жаҳли чиқиб, гапини бошқа томонга буриб) Билмайсанми, менга плус бўладиганлар чиқаяпти.
Мурод —	Тушунмадим, очикроқ гапир!
Шахноза —	Бунча гўлсан, менга совчилар келяпти, деяпман.
Мурод —	(ҳайратланиб) И — е, зўр — ку табриклайман. Азоб бўлибди — ку?!
Шахноза —	(Чеҳраси ёришиб) Кимга?
Мурод —	Шўринг қўргур куёвболага — да.
Шахноза —	Ҳазилинг қурсин.
Мурод —	Эрга тегсанг, орзуларинг нима бўлади?
Шахноза —	Қанақа орзуларим?
Мурод —	Институтга бирга ўқимоқчи эдик.
Шахноза —	(Коса тагида нимкоса қилиб) Онам Институтни тугатганингча тенгдошларинг уйли — жойли бўлиб олади, кейин "ўтириб қолсан", — дейдилар.
Мурод —	Онагни қўй, ўзинг нима дейсан, ўзинг.
Шахноза —	Менга қолса сен билан ...
Мурод —	Манга қара Шахноз, ўқишни тугат, дипломни ол, "ўтириб қолсанг" бир гап бўлар.
	Бахтинга биронта "ўтириб келган" чиқиб қолар (кулади).
Шахноза —	Ҳе, оғзингдан ел олсин, мени шунақаларга раво кўрасанми?

Мурод — Яхши кўрмаган одаминг билан бир умрга яшашнинг азоби ундан кам бўлмас.

Шаҳноза — Яхши кўриш, яхши кўриш дейсан, ўзи нима у? Ёқтирса бўлди — да.

Мурод — Йўқ, бу бошқача, мутлақо бошқача. Сен ҳаммамиздан кўра бадий адабиётни кўпроқ ўқийсан, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун севгисини яхши биласан.

Шаҳноза — Лайли — Мажнуннинг биттаси опам билан язнами? Тўйгача бир — бирини еб қўйгудек яхши кўради.

Мурод — Энди — чи?

Шаҳноза — Ҳозирми, ҳозир вақтида еб қўймаганидан афсусланиб, судма — суд юришибди.

Мурод — Демак, ўртада муҳаббат бўлмаган.

Шаҳноза — Муҳаббат бўлмай нима бўлади? Қачон қарама бир — бирини ялаб ўтирарди.

Мурод — Ҳозир — чи?

Шаҳноза — Ҳозирми, сўрама, жанжал, уруш бир — бирини бевафоликда айблаш.

Мурод — Кўрдингми? Ҳақиқий муҳаббат эмас бу. Биласанми, Мажнунни Лайлидан кўнглини қолдириш учун уни гўзал қизлар даврасига олиб боришади. Лекин Мажнун уларга қиё ҳам боқмайди. Шунда дадаси "Ўғлим, қара, Лайлидан юз чандон гўзал қизлар турибди рупарангда, қарасанг — чи?", деб ёлворганида, Мажнун унга менинг кўзим билан қаранг, — деб айтган экан. Ана буни муҳаббат деса бўлади. Муҳаббатни сўз билан изоҳлаш қийин. Уни лўнда, қисқа формуласини топиш керак.

Шаҳноза — (калака қилиб) Формуласини дейсанми, Менделеев бўл — е.

Мурод — Нега куласан. Менделеевнинг ким бўлибди. Зур бўлса Муҳаббатнинг формуласини топсин эди. Қанча — қанча оилалар ажралиб кетмасди.

Шаҳноза — Зарур бўлса ўзинг ўйлаб топ.

Мурод — Ман ким бўлибман, Пифагордай одам уриниб кўрган, манга йўл бўлсин.

Шаҳноза — Тополмаганми?

Мурод — Муқаддас китобларда ёзилишича, худо

бандасини жуфти билан яратиб, "тенгингни ўзинг изла, топ", — қабилида дунёнинг турли бурчакларига тарқатиб юборган экан.

Шаҳноза — Тўхта, тўхта, сенингча Отабек мабодо Марғилонга савдо илинжида бориб қолмаганида бечора Кумуш дунёдан тоқ ўтиб кетар экан — да, шундайми, шундай демоқчимисан?

Мурод — Йўқ, ким билади, балки оила қурарди, эҳтимол қатор — қатор фарзандлар кўришарди. Лекин "сиз ўшами", — сўроғидаги жозибали лаҳза бўлмасди. Одамлар ажойиб муҳаббат афсонасидан бебаҳра қолган бўларди. Биласанми, улар бир — бирини соғиниб, орзқиб кутишган.

Шаҳноза — Қизиқ гапларни гапирасан — а, умрида бир — бирини учратмаган, кўрмаган одамлар қандай қилиб соғиниши мумкин.

Мурод — Фарҳод қандай қилиб, олисдан арман қизи Ширинга ишқи тушади.

Шаҳноза — Э, қўйсангчи, у афсона — ку.

Мурод — Афсона эмас, афсонага айланган муҳаббат у.

Шаҳноза — Муҳаббатнинг ўзи нима?

Мурод — Муҳаббат камалакка ўхшайди, унинг кўз илғимас заррачалари дейдими, ҳужайралари дейдими, бир — бирини излаб топишади.

Шаҳноза — (кинояли) Профессор бўл — е.

Мурод — Ишонмайсанми, сенга бир воқеани айтиб берайми? Бу ҳам худди афсонага ўхшайди. Эшит: — ошиқ — маъшуқалар оламни тамоман унутиб сўхбатлашишмоқда: — Сиз мен учун яралгансиз, дейди, қиз йигитга қараб, — Сен мен учун яралгансан, — дейди, йигит унга жавобан. — Мен сени жуда яхши кўраман, — дейди, ошиқ унга маҳлиё бўлиб, — Мен сизни ёмон — яхши кўраман, — дейди, маъшуқа завқланиб. — Сизни ёмон — яхши кўраман, Яхши кўрмай — кўнглимга қурсин. Фақат айтнинг у лобар қизлар, Энди сиздан нарироқ юрсин. — Сизни ёмон — яхши кўраман, —

— Қаҳ — қаҳа отиб кулади қиз.

Мен болалигимда қаттиқ бетоб бўлиб, "ана кетди, мана кетди" бўлиб қолган эканман. Докторлар онамга: "Болалигини аҳволи оғир, вақтни ўтказмай уйингизга бориб, тайёрганлигингизни кўринг", — дейишган. Лекин қарангки, мен ўлмай қолганман. Ўшанда ўлиб қолсамдим, нима қилардинг, — дейди, — синовчан қараб йигит. Қиз эса кўзларини жавдиратиб; худойим сизни мен учун асраб қолган, бу мўъжиза, — деб йиғлаб юборади. Сен бўлсанг "ўтириб қолишдан" қўрқиб юрибсан.

Шахноза — Мен эмас, нанам хавотирдалар.

Мурод — нананг нимадан қўрқади. Соҳибжамол, кетворган қиз бўлсанг.

Шахноза — Илон чаққан одам — ола ишдан қўрқади, дейишади — ку. Нанам вақтида унисини у деб, бунисини бу, деб — келган совчиларни қайтариб юбораверганлар, охири ўзлари сўспайиб қолган эканлар.

Мурод — Кейинчи?

Шахноза — Кейин, ёши ўзларидан анча катта одамга турмушга чиқишга мажбур бўлган эканлар.

Мурод — Ким у катта одам?

Шахноза — Дадам — да.

Мурод — Яхши кўрибми?

Шахноза — Унисини билмадим — у, уйимизда ижарада туришган.

Мурод — Бечора даданг, бир умр ижарада яшаётган эканлар — да.

Шахноза — Қўй бу гапларни, формулангни қачон топасан?

Мурод — Шошилма дедим — ку, ўқишни тугатайлик, институтга кирайлик, мабодо омадинг юришмаса, ўзим сени мақтаб — мақтаб куёвга узатаман.

Шахноза — Харидорим кўпайиб талошга тушиб қолсам — чи, нима қиласан?

Мурод — (кулиб) Талошга тушсанг, шунчалик яхши қиз экан, ўзимга керак, — деб сақлаб қоламан, бўлдим, кўнглинг жойига тушдим? Эшит, бу ҳазил сен ҳақингда ёзилганга ўхшайди:

Сал гапирсам кетаман дейсан,

Шартта эрга тегаман дейсан.

Агар сенга ишониб юрсам,

Эрсиз қолиб нетаман дейсан.

Шахноза — (кулиб, қаҳ — қаҳ уриб) Сенга тегсам, биринчи кунгек тарсаки туширсанг керак.

Мурод — Нега?

Шахноза — Сени ҳеч қачон "сиз — сизлаёлмайман" да.

Мурод — Унда умримиз нуқул олишув билан ўтар экан — да? (ўз — ўзича) ишқилиб, кашфиётимнинг қурбонига айланмасам бўлгани эди.

Шахноза — (ҳазилга олиб) Мурод, қачон тарсаки туширасан деб кутиб юраман энди.

Мурод — Дадам раҳматли: ўғлим эрта — индин катта бўлиб, уйланасан, шуни яхши бил: шайтоннинг гапига кириб, хотинингни мабодо урмоқчи бўлганинга ичкарига қараб қочса ундан ҳеч ҳам ранжима, бу яхшилик аломати, урасизми, сўкасиэми мен бир умр сиз билан биргаман, — дегани бўлади, — дердилар.

Шахноза — Даданг айтмадиларми, ташқарига қочиб чиқса, унда нима бўларкан.

Мурод — Унинг хосияти яхши бўлмаскан. Бошига одам тўплаб, ҳамма гапни овозаю дарвоза қиладиган аёлдан яхшилик кутиб бўладими?

Шахноза — Мурод, даданг шунчалик муштумзўр одам бўлганми — а?

Мурод — Қайси оилада жанжал бўлмайди, — дейсан. Сизларда бўлмасмиди?

Шахноза — Бизлардами, бизларда ҳам бўлиб турарди, фақат тескариси — да.

Мурод — Тушунмадим.

Шахноза — Нимани тушунмайсан, нанам эмас, дадам ташқарига отилиб чиқади.

Мурод — Ростданми, ишқилиб онангга тортган бўлмагинда.

(Шахноза хижолат бўлиб, гапни бошқа томонга буради)

Шахноза — Мурод, терлаб кетибсан, шу иссиқда зарур келибдими санга, бўйинбоғингни ечиб қўй. (галстугига ишора қилиб).

Мурод — Сен нимани ҳам билардинг. Бу одамни серёзний кўрсатади. Салобат беради кишига.

Шахноза — Шундай ҳам салобатлисан, кўркамсан.

Мурод — Галстук нима дейди биласанми?
 Шахноза — Нима дейди?
 Мурод — Мени таққан одамнинг, савлатини ошираман.
 (Ўзини кўз — кўз қилиб)
 Савлатга қара, савлатга...
 Шахноза — Уёғини ҳам айт, асосийсини айтмадинг — ку.
**Мени таққан одамнинг,
 Савлатини ошираман.
 Ундан кўра муҳимроқ,
 Кир ёқасин яшираман.**
 (иккаласи кулишиб, бир — бирига суяниб — қолишади)
 Тўхта кўрайчи, тўғри айтибманми, вой — вой, ёққангни қара.
 Қоп — қора кир — ку.
 Мурод — (жаҳл билан) Менга қара, кир ахтариш ёмон одат, яхши эмас.
 Шахноза — Хафа бўлдингми, Мурод, ҳазиллашдим, кечир.
 Вақти келса ёқангни қордай оқартириб қўяман, ҳамманинг ҳаваси келадиган бўлади санга.
 Мурод — Ўзимга ювдирмасанг бўлгани. Тур кетдик, қизлар келишяпти, дарс тугади шекилли.

(ПАРДА)

ОРАДАН ЙИЛЛАР ЎТИБ ...

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

(Муроднинг уйи. Кечки сменада қайтади)

Мурод — Эшикни оч қизим. Ман, ман...
 Лола — Урра, дадам, дадажоним келдилар!
 (Эшикни очади).
 Мурод — Ҳали ҳам ўтирибсанми? Ётмадингми? Онанг ҳали ҳам келмадимми?
 Лола — Келмадилар.
 Мурод — Жасур қани?
 Лола — Йиғлаб — йиғлаб ухлаб қолди.
 Мурод — Овқатладингми?
 Лола — Кечаги овқатни иситдим. Олиб келайми?

(Дадасига ачинади, дастурхон тузатиб, овқат олиб келади).
 Мурод — Яна кечаги овқатми?
 Лола — Дадажон, ҳозир чой дамлаб келаман (ошхонага киради).
 Мурод — Ишдан чарчаб келсанг, тайёр овқатинг бўлмаса. Қанақа ҳаёт бўлди бу (овқатдан бир қошиқ ичиб, жаҳл билан косани нарига суриб қўяди).
 Ма, қизим, ол, ичмайман. Нечанчи марта иситишинг.
 Лола — Ичинг, дадажон.
 Мурод — (Ўз — ўзига) Бозор, бозор, — деб уйга ҳам қарамай қўйди. Болаларга қийин бўляпти. Эрталабдан кечгача уйда қамалиб ётади.
 (Лола чой дамлаб келади).
 Лола — Чой ичинг, дадажон.
 Мурод — Уканг кўп йиғладими?
 Лола — Кўп йиғлади, ҳеч нарса емади.
 Мурод — Касал бўлмаса, — деб кўрқаман. Онанг кўнғироқ ҳам қилмадимми? Уйда эдингми?
 Лола — Ҳеч қаёқда чиққанам йўқ. Кўнғироқ бўлмади.
 Мурод — (Ўзига — ўзи) Жонга тегди. Ҳар кун шу гап. Кеча тонгга яқин келувди. Қаерда эдинг, — деб сўрасам, молга кетувдим — дедию ҳаммомга кириб кетди. Гапирсанг, жанжал кўтариб, бошимга одам тўплайди. Нима қилиш керак? Нима қилай? Э, бор — е, — деб баҳридан ўтай десам, болаларга жабр бўлади (қизига қараб, Муроднинг кўнгли бузилади, томоғига бир нарса тиқилгандай овози буғилади). Қизим, дастурхонни йиғиштир, бориб ёт. (телевизорни қўяди, бир нечта каналларни кўргандай бўлади, маъқул тушмайди, ўчиради, сигарет чекмоқчи бўлади). Йўқ (кескин) бу аҳволда яшаб бўлмайди. Бугуноқ узил — кесил ҳал қилмасам бўлмайди.
 Лола — (югуриб киради) Ким билан гаплашяпсиз? дада, онамга бирон гап бўлган. Мол тўла сумкаларига бирон — бир ўғри ташланган бўлса — чи?
 Мурод — Бор, ўрнингга кир, ёт, онангга бало ҳам урмайди.
 (Лола уйига кириб кетади, бироз вақт ўтгач, қўлидаги калити билан эшикни секин очиб хотини

- киради).
- Шахноза — Салом, яхшимисизлар?
- Мурод — Бормисан, тирикмисан, қаерларда санғиб юрибсан?
- Шахноза — Нима бало, милицияда ишлайсизми? Бунча сўроқда тутасиз?
- Мурод — Хавотир олдик — да, қизингни аҳволини бориб кўр. Ўғлинг ҳам йиғлаб — йиғлаб ухлаб қолди.
- Шахноза — Хавотирингизга неча пулик ишим бор. Ўзимнинг жоним гар — ғарада — ю. Ҳамма ерда текширувчилар, зўрга чап бериб келдим. Қўлга тушсанг тамом, топганингни шилиб олади.
- Мурод — Зарур келибдими шунақа яшаш? Қара, соат неча бўлди? Тинчгина ухласак бўлмайdimи?
- Шахноза — Ётинг, ухланг, сизни ким қўймади? Бойнинг уйқуси келмади, камбағал уйқудан тўймади, — деганлари шуда!
- Мурод — (кескин) Бўлди, жонга тегди йиғишгир ҳаммасини!
- Шахноза — (кинояли) Ҳу, бойвачча. Худдики, жарақ — жарақ олиб келаётгандай катта гапирасиз — а.
- Мурод — Кунимиз бинойидек ўтиб турувди. Ўзингни тўрт томонга урасан. Тиним билмай югурасан.
- Шахноза — Эшитмаганмисиз: — Бўрини оёғи боқади, агар билсангиз, сиз деб, болалар деб югуриб юрибман.
- Мурод — Тушунсангчи, болаларга пул эмас, оналик меҳри керак, эътибор керак. Эртага кечки сменага чиқсам ким қарайди буларга.
- Шахноза — Ким айтди сизга, сменага чиқинг, — деб, чиқманг, оладиган маошингиз арзимаган бир чақа бўлса, яна смена, смена, — деганига ўлайми?
- Мурод — Бу нима деганинг?! Сен кам топганинг учун бозорга чиқаяпман, — демоқчимисан?! Нега бунча ўзингни хўрлайсан. Кимдан каммиз? Уйимиз бўлса, машинамиз бўлса, топганимни уйга, оилам деб қўлингга келтириб бераётган бўласам. Яна нима қил дейсан?! Бошқаларга ўхшаб улфатлар билан чойхонага чиқмасам...
- Шахноза — Шу топганингизга иддио қиласизми? (Кескин) Бўлди, бас қилинг моралингизни!..
- Мурод — Шахноза, нега қайсарлик қиласан. Пул топдинг ҳам дейлик, лекин болаларимизнинг тақдири нима

- бўлади?
- Шахноза — Мен ҳам шу болаларни ўйлаяпман, барака топгур. Болаларга пул керак, пул...
- Мурод — (Ялиниш оҳангида) Гапимга қулоқ сол, ҳаммасини қўй, эртага дам олиш куни, болаларни олиб, машинада бир сайр қилиб келмаймизми?
- Шахноза — Эсингиз жойидами?
- Мурод — Эртага отангни туғилган куни, бечора анчадан бери касал, кўрпа — тўшак қилиб ётибди. Наҳотки табриклашга арзимаса?..
- Шахноза — Ман нима ғамда — ю, бу нима ғамда? Буни бизнес дейишди.
- Мурод — (Кескин) Қанақа бағритош одамсан, бизнесинг ўша отангдан ҳам азиз бўлибтимми?
- Шахноза — Азиз, отанг ўлса бир кунмас бир кун тақдирга тан берасан, онанг ўлса аста — секин кўникиб кетасан, лекин бизнесда ютқизсанг отанг ҳам онанг ҳам кўзингга кўринмайди, олам қоронғу бўлади, қўйинг, беъмани гапларингиз билан вақтимни олманг, саҳар туришим керак.
- Мурод — (Вазминлик билан) Мана, менинг орзуйимдаги қизинг аҳволи. Шахноз сени таниёлмай турибман. Мен билган ўша Шахнозмисан? Шунчалик ўзгардингми?
- Шахноза — Очикроқ гапиринг, нима демоқчисиз?
- Мурод — Кел, жиззакилик қилма, гапимга қулоқ сол! Мактабда ўқиб юрганимиз эсингдами?
- Шахноза — Эсимда, нима Абдулла Қодирийдай ўтмишга сайр қилдирмоқчимисиз?
- Мурод — Қулоқ сол, ҳозир диққат бўлганимдан альбомни очиб, ёшлик давримизни эсладим. Қара, ҳаваскорлар саҳнасида Рустамхоннинг пул ҳақидаги монологни айтаётиман: (суратни кўрсатиб)
- Косани тўлдириг, айтнинг алёрни,
Шу пуlining, шу қуlining соғанги учун
Пул кўп зўр, азамат бир куч,
Агар пул бўлмаса бутун дунёда,
Янаш йўл, турмуш йўл, ҳатто ҳаёт пуч.
Пул бўлса, пул учун тизни чўксалар,
Пул бўлса, пул учун ерни ўпсалар,**

Пул бўлса, пул учун одамни сўйиб,
Қонидан кўчага сувлар сепсалар.
Айтинг—чи, — ким кучли, худоми ё пул,
Билмадим дунёни яратса худонинг ўзи!
Пулни ҳам ўйлаганмиди ва бу пулнинг
Ўзидан кучли эканлигин англаганмиди?!

(Мурод ҳаяжони босилгунича бироз жим тургач)

Шунда эслайсанми нима бўлганди?

(Шахнозанинг қўлидан тутиб) Қара, бу расмга қара. Ҳали, ҳали кечагидек кўз олдимда. Бир даста гул қўтариб, саҳнага отилиб чиқдинг. Залдагиларга эътибор ҳам қилмай бағримга ташланиб, "пулига ўт тушсин, бу монологни қайта ўқиманг", — деб йиғлаб юборгандинг. Қани ўша беозор, соддагина қиз?

Шахноза — У даврлар ўтди, кетди, саҳна бошқа, ҳаёт бошқа эканлигини тушундим.

Мурод — Нимани тушундинг?

Шахноза — Ғўрлигимни, гўллигимни тушундим. Ўша кунлар эсимга тушса, ҳали — ҳали уяламан.

Мурод — Ҳеч нарса тушунмабсан. Беозорлигингдан уялма, бугунги дилдорлигингдан уял. Бошингда эринг бўла туриб, уч кунлаб, тўрт кунлаб бедарак йўқолиб кетишингдан уял, маҳалладан уял, қўни — қўшнилاردан уял.

Шахноза — Маҳалла билан неча пуллик ишим бор. Бизнесим шундай юришса, тез кунда каттакон ҳовли сотиб олиб, бу ердан кўчиб кетамиз, маҳалласи бошидан қолсин.

Мурод — Шахноз, шунча гапирдим, барибир тушунмадинг. Ҳамма бало шундаки, сен ўз касбингни яхши кўрмайсан. Бўлмаса шунча йил ишлаган қадрдон мактабингни ташлаб кетмасдинг. Фарзандингдай бўлиб қолган ўқувчиларингни қолдириб, ўзингни бозорга урмасдинг.

Шахноза — (Кесиб) Қўйинг ўша "касбим — фахрим" деган баланд парвоз сўзларни!

Мурод — Ногўғрими гапим?

Шахноза — Нима, сизнингча, ахлат ташувчи касбини жону — дилидан севгани учун каллаи — саҳардан туриб, кўчаларни тозалашга киришарканда, шундайми?

Йўқ жоним, пул деб чиқади. Пул деб ахлат титкилаб, унисини бу ёқда, бунисини у ёқда ажратиб, машинага юклайди. Узоққа борманг, мана ён қўшнимиз. Олий маълумотли, институтни қизил диплом билан тугатган. Гўрговалик қилади, қабр тоши қўяди. Нима у ҳам касбини яхши кўради? Сиз бўлсангиз "касбим — касбим" дейсиз. Айтинг, касбингиз нима берди сизга?

Мурод — Бўпти, сен билан тортишиш бефойда! — Мен кетдим, ўша қудратли пулларинг билан қолавер!

Шахноза — Менга қаранг, эсингизни йиғинг, кейин пушаймон қиласиз.

Мурод — Пушаймон? Бу нима деганинг?

Шахноза — Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирманг, деганим. Энди болаларингиз деб бозордан воз кечмайман.

Мурод — Жуда яхши, эркин қуш бўлиб юравер, болаларни ўзим билан ола кетаман.

Шахноз — "Сичқон сизмас инига, ғалвир боғлар думига" — бўларканда. Ўз қорнингизни тўйғазинг ҳали (шовқиндан Лола уйғонади, отаси томон югуриб чиқади).

Лола — Дада, дадажон, кетманг, бизларни ташлаб кетманг.

Мурод — (Қизини бағрига босиб) Жоним қизим, кечир қизим, сенларни деб барча хўрликларга чидаб келдим, энди бўлмайди. Кетмасам бўлмайди. Ношуд отангни кечир.

Шахноза — Лола, кўй кетсин, даф бўлсин, боғланган ит овга ярамайди. (Мурод шиддат билан яна қайтади)

Мурод — Сенга ўйлаб кўриш учун яна бир имконият бераман. Йўлингдан қайтсанг яхши. Бўлмаса маҳалла фуқаролар йиғинига ариза ташлаб, масалани узил — кесил ҳал қиламан (чиқади).

Шахноза — (Эшикни очиб, орқасидан) Бор, боравер, менга деса Бирлашган Миллатлар Ташкилотига арз қиламанми.

ПАРДА

УЧИНЧИ КҮРИНИШ

(Эшик қўнғироғи чалинади. Лола эшикни очади)

- Мурод — Қизим, ўтирибсанми, яхшимисан, уканг яхшими?
 Лола — Яхши, Жасур бувимларникига кетди. Нанам ўзим бормагунимча келма, деб тайинлаб юборишди. Энди бир ўзим зерикаяпман.
- Мурод — Зериккан бўлсанг, юр олиб кетай.
 Лола — Онам қўймайдилар—да, ҳеч қаерга бормаيسان, дейдилар. Дада, нега шунақа онага уйлангансиз—а?
- Мурод — Қанақа?
 Лола — Шунақа уришадиган—да? (Шахноза ошхонадан чиқиб, улар суҳбатини эшитади).
- Мурод — Биласанми, аслида онанг менга уйланган, қизим.
 Лола — Йўғе, шунақаси ҳам бўладими?
 Мурод — Бўларкан—да қизим. Йўқ ҳазилашдим, онанг аслида яхши бўлган, роддомда алмаштириб кетипганда (кулади).
- Шахноза — Чақимчилик қилиб бўлдингми лаънати. Худди ўша бувисининг ўзгинаси, гайбатсиз туролмайди.
- Мурод — Салом йўқ, сўрашинг йўқ, дарров бошладингми, онамни қарғашни.
- Шахноза — Қарғайман. Мани шу ҳолатга келтирган ким?
 Мурод — Ким?
 Шахноза — Ким бўларди, онангизда!
 Мурод — Онанг ёмон, бизларни кўролмайди, кўчиб кетамиз, деб жаврадинг. Янги уй олиб кўчиб ўтдик, хўш, айт нима ўзгарди?
- Шахноза — Ўша жодутарни кўришга кўзим йўқ. Худди ўша эртақлардаги алвастига ўхшаб, жаврагани—жавраган: келин бундай қилманг, келин болаларни уришманг, келин эртароқ туринг, сочингизни бўяманг...
- Мурод — Бу эшикдан чиқариб юборсанг, унисидан бостириб келадиган сенинг авлодларинг яхши бўлди—ю, менинг онам алвасти бўлдимми?
- Шахноза — Ёмонни ёмон дейишади—да. Ёмон бўлмаса отангиз ёшу—жувон ўлиб кетардим. Финилаб—финилаб умрини эгвалаган—да?

- Мурод — Менга қара, эй бетамиз, отамга тил тегизма (кўзига ёш олиб), арвоқинини безовта қилма (хезланиб келади).
- Шахноза — Ур. Ур, урасанми?
 (Лола қўрқиб, отасига ташланади).
- Мурод — Қўрқма қизим. Урмайман. Урган билан ақл кирармиди, (телефон рақамини тера бошлайди).
 — Алло, маҳалла идорасими, оқсоқол борми?
 Ассалом алейкум, отахон яхшимисиз? Мен Муродман, Мурод. Илтимос, бир келиб кетинг. Ўша жанжалда, бошим қотди. Келасизми? Раҳмат, кутаман. (Шахнозанинг овози келади).
- Шахноза — Лола, дадангдан сўра, овқат ейдимми?
 Мурод — Лола, онангга айт. Жуда зўр бўлибти, тўйдим, раҳмат айтдилар де.
- Шахноза — Лола дадангга айт. Қуруқ келиб, қуруқ кетарканда, қурумсоқ.
- Мурод — Қизим онангга айт, бозор халталарни тўлдириб келиш вақти аллақачон ўтибти—де.
- Шахноза — Лола, дадангга айт, бозор халталарга зор эмасмиз, холодильникимиз оғзигача тўла, еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда,—де.
- Мурод — Қизим, онангга айт...
 (шу пайт хона қўнғироғи чалинади, Лола эшикни очиб, бирдан орқасига яшириниб, дадасининг пинжигга ўзини уради).
- Лола — Келди, урушадиган амаки келди.
 (Меҳмон уйига киради, бемалол оёқ кийимларини ечади. Бирдан Муродга кўзи тушиб авзои ўзгаради).
- Мурод — (Кинояли) Бозор халта кўтариб келадиганларни аллақачон топибсан—ку. Қадрингни биласан.
- Рустам — Хоним, бу ким. Сиздан бошқасини подъездимга йўлатмайман,—дегандингиз—ку.
- Шахноза — (Ноқулай аҳволда) Қизишманг, Рустамбек, бу киши Лоланинг дадаси (Муродга қараб) Кўнглингизга бирон гап келмасин, бу киши бизнесимдаги ҳамкорим, ишончли дўстим.
- Мурод — (Кинояли) Кўриниб турибди—турқидан, бу дўстлиқдан фарзанд туғилиши ҳечгапмас.
- Рустам — Дўстлар билан бир отамлашмаймизми—а?

Мурод — Коньякданми, ароқданми?
(Хотинига қараб) Шунчаликка бордингми, Шахноза?

Шахноза — (Ноқулай аҳволда, Рустамга қараб) Бўлди, бас қил—е (Коньяк шишасини жаҳл билан нарига суриб қўяди).

Рустам — Меҳмон—меҳмонни кўролмайди, уй эгаси иккаласини дейишади (ранжиб).

Мурод — Ўхшатмаса учратмас. Ўзингга жуда мосини танлабсан. Дидингга қойил—е!

Шахноза — Рапш қиляптиларми? Унутманг, биз собиқ эр—хотинмиз—а.

Мурод — Собиқ эр—хотин бўлиш мумкин, лекин собиқ ота—она бўлмайди. Норасида гўдак олдида уялмайсанми?

Шахноза — Сиз уйлаганчалик эмас. Биз яқин ҳамкормиз.

Мурод — Энди билдим... Сен бўлмасанг бошқаси, деганинг,— шу эканда—а?

Шахноза — Алам қилдими, ажаб бўпти! Келишингизни эшитиб атайин чақирдим.

Мурод — Алам қилмайди, қонуний ажрашайлик, биртасига турмушга чиқ, гулдаста кўтариб келмасам одам эмасман.

Шахноза — Ҳа ёқмай кетсин! (Эшик кўнғироғи чалинади, Шахноза очади, маҳалла оқсоқолини кўриб афтини бужмайтириб қайтади) Бир сиз камлик қилиб турувдингиз, фалокат бир келса устма—уст келади дейишади, рост экан—да (Оқсоқол киради, ёмғир пушини ечиб қўяди).

Оқсоқол — Худди челақдан қуйгандек, қўяпти—я (уйдаги бегона одамга кўзи тушади) Ассалому алайкум, яхшимисизлар? Пайғамбаримиз айтганлар: Мусўмоннинг яхшиси аввал салом бергани.

Мурод — (Телефон гўшагини қўйиб) Узр. Телефонда банд эдим, сиздан олдин салом беришга уринаману, лекин ҳар сафар кечикаман—да отахон.

Оқсоқол — Тинчликми, Муроджон, чақирибсиз.

Мурод — Ҳа, маслаҳатингиз керак отахон, қийналиб кетдим.

Оқсоқол — (Рустамга кўзи тушиб) Уйда меҳмон ҳам бор—ку?! Бу одам яқин қариндошларингизми дейман. Кейинги пайтда шу атрофда тез—теҳ кўриб

тураман.

Шахноза — Бу киши Рустамбек, тадбиркор, ҳамкорим, дўстим, учта боласи бор, хотини бор, бўлдимми. Анкета саволларига тўлиқ жавоб бердимми?

Оқсоқол — Рустамбек, ўзим ҳарёндаман, кўнглим сендадур,— дегандай, хотин у ёқда—ю, сиз бу ёқдами?

Рустам — Биз ажрашганмиз.

Оқсоқол — Нега?

Рустам — Кўп ичасан дейди...

Мурод — Сўранг қани, ажралиш учун қанча ичиш керак экан.

Оқсоқол — (Кулиб) Ҳаммасига розисиз—да!
(Лола гапга аралашади).

Лола — Дадажон, бутун биз билан қоласиз.

Мурод — Нега, қизим?

Лола — Эртага мактабимга ўзингиз олиб борасиз, бўлмаса бормайман.

Мурод — Нега, қизим?

Лола — Болалар "сен етимчасан", деб калака қилишади.

Мурод — Бўпти, эртага ўзим мактабингга олиб бориб қўяман.

Лола — Онамни ҳам урушиб қўйинг.

Мурод — Нега, қизим?

Лола — Дадам қаерда, десам, даданг ўлган, жаҳаннамда дейдилар.

Мурод — Онанинг улур орзуси ҳеч ушалмаяпти, қизим.

Шахноза — Бас қил—е жувонимарг. Отанг кетсин, тилингни суғуриб оламан.

Мурод — Қўй, боланинг дилини оғритма!

Шахноза — Аллақачон оғритиб бўлгансиз.

Мурод — Бўлди қил, гаплашиб олишимиз керак.

Шахноза — Нимани гаплашиб оламиз.

Мурод — Нимани, билмайсанми? Шунақа йт—мушук бўлиб қораверамизми?

Шахноза — Сизлар билан гаплашадиган гапим йўқ.

Оқсоқол — Қўйинглар, қизишманглар, келин, бир пас эшитинг. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, сиз бу ёқда овора, Муроджон у ёқда нотинч. Ҳар кун жанжал, асабийлашиш, келинлар, хушу хурсандчилик билан орани очиқ қилиб олинлар.

Шахноза — (Жаҳл билан, қўлини (ф) шаклида қўйиб) Манга

қаранг, эй оқсоқол, бу соч—соқолни қаерда оқартиргансиз, маҳалла райслари оиладаги қўйди—чиқдиларни олдини олмоқчи бўлишса, сиз тескарисини қиласизми? Мажбуран ажратмоқчи бўласиз, уялмайсизми?

Оқсоқол — (Ўсал ҳолатда) Оилами бу, жаҳаннамнинг ўзгинаси—ку!

Шахноза — Ман анашу жаҳаннамда яйрайман, ҳузур қиламан, билдингизми?

Оқсоқол — Сиз—ку маишатингизни қилиб юрибсиз (Рустамга ишора қилиб), лекин ана бу гўдакларга азоб—да.

Шахноза — Менга барибир, қонун мен томонда.

Оқсоқол — Афсуски, сиз томонда, лекин қонундан ташқари нарсалар ҳам бор. Шарм—ҳаё, андиша деганларидек, қўшниларингиз кўчириб юборинг,—деб талаб қилаяпти.

Шахноза — Бир кўчириб кўринг—чи? Нима қиламан...

Мурод — Нима қиласан, қўлингдан нима келади?

Шахноза — Ўзимга, уйимга ўт қўйиб, бутун оламга жар соламан.

Оқсоқол — Сиз билан гапириш бефойда. Туринг кетдик, Муроджон, бир ғалвани бошлайдиган бу бегамиз.

Мурод — Йўқ отахон, бу гўдакни шу аҳволда қолдириб кетолмайман.

Оқсоқол — Бўпти, бўламаса ман кетдим.

Мурод — Жала қўйяпти, қандай кетасиз. Машинада обориб қўяман.

Оқсоқол — (Соатига қараб) Маъракага чиқишим керак (шошилиб чиқади)...

Мурод — (Ялинган оҳангда) Шахноза манга қара, ўн йилдан ошиқроқ эр—хотин бўлиб яшадик, тўғрими? Қувончли кунларимиз ҳам озми—кўпми бўлди. Кел, ана шу яхши кунларимиз ҳурмати, розилик бер, ажрашайлик. Сендан тавалло қилиб сўрайман.

Шахноза — Тўғри айтасиз, ўн йилдан ошиқроқ яшадик. Лекин шу давр ичида бир кун ҳам кўнгли куйган эмассиз. Шунчаки тақдирга тан бериб зўрма—зўраки яшадингиз, тўғрими?

Мурод — Ҳаётингда бир марта тўғри гапирдинг!

Шахноза — Энди буёғига ҳам тақдирга тан бериб яшайберасиз, тушундингизми?

Мурод — Билганингни қил, энди судда учрашамиз (жаҳл билан кетмоқчи бўлганида, қизи ёпишиб олади)

Лола — Дадажон, мени ҳам олиб кетинг.

Мурод — Албатта олиб кетаман, жоним қизим (Рустамга қараб) Эй, сурбет, нима номатқулчилик қилсанг қилавер, лекин қизимни, хафа қилгудек бўлсанг каллангни оламан, билдингми? Тўнка.

Шахноза — Нима деясан, ўлдирасанми? Зўр бўлсанг мани ўлдир, ўлдир (кўкрагини очиб олдинга чиқди). Вой, мусулмонлар, мана бу босқинчи уйимга бостириб кириб, мени ўлдирмоқчи, қутқаринглар, одамлар!!! (Шу пайт эшик қўнғироғи чалинади. Хонага Зайнаб хола киради).

Зайнаб — (Шалабо бўлган устки кийимларини ечиб, осиб қўяди). Нима бўлди қизим? Нега чақирдинг, урайми, бу муштумзўр?

Мурод — Салом, яхшимисиз, амаким келмадидаарми? Қизингизни уриб бўладими?

Зайнаб — Ҳеч тинч юрмайсиз—да! Амакингиз келолмайди, мазаси йўқ. Нима бўлди қизим?

Мурод — Ўша эски гап. Қизингиз билан ошимиз пишмаяпти.

Зайнаб — (Кескин) Қанақа ношуд эрсиз. Сизга гулдай қизимни топшириб қўйдим. Уни асраб—авайлаш, керак бўлса тарбия бериш сизнинг қўлингизда, уқувсиз боладай ҳа деб нолий берасизми?

Мурод — Холажон, мангача яхши тарбия қилиб бўлган экансиз, эпаломаяпман.

Зайнаб — Эшитмаганимиз машойиҳлар айтурлар: Токи бор мардигу эрақдан асар, Аҳли аёлининг этми дарабадар, Мева шохи агар девордан янса, Унга ўткинчилар беҳа қўла чўзар.

Мурод — Демак, девордан ошидиган мен сабабчи эканман—да!..

Зайнаб — Рўзгорни эпланг, айтганларини муҳайё қилинг. Баъзида одам оила деб, бола—чақа деб ўзига ёқмайдиган ишларни қилишга мажбур бўлади. Замон шунақа, ҳар мақомга ўйнайди, одамни. Мана ман, элликдан ошдим, керак бўлса ҳармақомга ўйнаймиз.

Мурод — Эшитдим, ёш қизларни бир жойга тўплаб, отарчиларга ўйинчи тайёрлаб бераркансиз.

Зайнаб — Нима қилай, ношуд қайнотангизга қараб турсам очликдан ўламан.

Мурод — Мен каллаварам, қизингиздан хафа бўлиб юрибман. Ҳамма айб сизда экану (жаҳл билан уйдан чиқади).

ПАРДА

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

(Мурод жаҳл билан машинага ўтириб, газ берди. Жала қуймоқда. Машинани катта йўлга чиқармоқчи бўлганида ўзи томон югуриб келаётган аёлга кўзи тушади. Йўловчи машинага яқин келганида оёғи сирғаниб, зарб билан машинага келиб урилади ва балчиққа ағдарилиб кетади. Мурод машинадан тушиб, кўламак сувда аганиб ётган одамга ёрдам кўрсатади. У ҳомиладор аёл эди. Мурод унга ёрдамлашиб машинанинг орқа ўриндиқига ўтказади, аёл совуқдан, Мурод эса қўрққанидан қалт — қалт титради).

Мурод — Бу ёмғирда нима қилиб юрибсиз? Эсингиз жойидами?

Ҳилола — Белим, вой белим, вой онажон!..

Мурод — (Довдираб қолди) Нега билиб туриб машина йўлга чиқдингиз? Жонингизга қасдингиз борми?

Ҳилола — Вой белим, онажон (инграйди)

Мурод — Қаёққа бормоқчи сиз ўзи? Айтинг, обориб қўяман.

Ҳилола — Билмайман, билмайман.

Мурод — Борадиган жойингизни билмасангиз нега йўлга чиқдингиз?

Ҳилола — Билмайман, вой онажон, ўламан.

Мурод — Кийимларингизни алмаштириш керак, бўламса шамоллаб қоласиз.

Ҳилола — Майли, бу кунимдан ўлганим яхши. Вой жоним, ўламан, тезроқ ҳайданг.

Мурод — Қаерга ҳайдай, айтинг?

Ҳилола — Тезрой, акажон, ўламан. (Аёлни тўлғоқ тутати,

чинқириш бошланди).

Мурод — (Даҳшатга тушади) Қаёққа ҳайдай, қаерда яшайсиз?

Ҳилола — Ҳайданг, ҳой... Туг... Туг...руқхонага ҳайданг.

Мурод — Э, худо қандай кунларга қолдим. (Мурод машинани "Тугруқхона" деб ёзилган бино олдида тўхтатади. Эшигини тақиллатди. Ҳамширалар чиқиб, беморни олиб киширади). Э худойим, бирон касофат бўлса шўрим қурийд.

Бу ҳолатда ташлаб кетиб бўлмайди. Кутиш керак. (Сигарета чекиб, кутиб ўтирди, бироздан кейин ҳамшира чиқади)

Ҳамшира — Қанақа одамсиз, инсоф борми сизда ўзи, вақтида олиб келиш керак эди. Шунақа ҳам бағритош эр бўладими? Кетиб қолманг аҳволи огир.

Мурод — Бўпти, шу ерда кутаман. (Анчадан кейин, учта ҳамшира бароварига югуриб чиқади)

Уччаласи бароварига: — Табриклаймиз акамулло, муборак бўлсин. Қизлик бўлдингиз.

1 — ҳамшира Худди ўзингиз, қошу — кўзлари қўйиб — қўйгандек, сизга ўхшайди.

2 — ҳамшира — Қиз боланинг отасига ўхшашини биринчи кўриб турибман.

1 — ҳамшира — Чиқаринг энди атаганингизни. (Мурод чўнтагидан бир даста пул чиқариб ҳамшираларга тарқатади).

Мурод — Онаси қалай? Яхшими?

1 — ҳамшира — Акамулло, онасининг аҳволи яхши эмас огир. Ўзига келгани йўқ, белига зарб еган. (Мурод баттар қўрқувга тушади).

Мурод — Ўлиб қолса нима қиламан. Шўрим қурийд.

2 — ҳамшира — (Югуриб келиб) Папаша, қизингиз 3 кг, 60 грамм, анча тетик. Нега хафасиз. Ўғил бўлмагани учунми? Эй, сиз эркақлар шунақада, хотинингиз бечора тун бўйи ўлим билан олишяпти — ю, сиз бўлсангиз, ўғил қайғусида. Шунга айтишади — да Эчкига жой қайғуси.

Қассобга ёғ қайғуси — деб.

Мурод — (Жаҳл билан сигаретни улоқтиради) Бас қил — е, бунча, жоврайсан, хотиним эмас, бўлдим?

1 — ҳамшира — Ўйнашингизми? Э, ноинсоф. Билувдим,

гуноҳкордай шумшайиб туришидан.

2—ҳамшира—Бир даста пул тарқатганидан сезувдим, ўзи шу хотинбозлар пул билан ҳамма нарсани бости—бости қилмоқчи бўлишади—да, номард!

1—ҳамшира— Ҳамма эркаклар бир гўр, остона ҳатладими, тамом, уйдаги хотинини унутади, қўяди. Бир қўшиқчи бор—ку, ўша тўғри айтади (қўшиқ қилиб):

Эркак эшак ҳатласа,

Етти қадам ташласа.

Уйдаги жонинини,

Ўлай агар эсласа.

2—ҳамшира— Ҳе, хотинбоз. Уҳажёр!..

Мурод— (ҳамшираларни ёнига чақиради) Менга қаранглар, бу оҳангда менга гапирманглар. Бу аёлни танимайман. Йўлдан топиб олдим. Отини ҳам, ўзини ҳам билмайман.

Ҳамшира— Шунақами? Э қойил. Кечирасиз, раҳмат сизга акажон, олийжаноб одам экансиз.

Мурод— Унинг ҳеч кими йўқ. Бу аҳволда ташлаб кетолмайман.

Ҳамшира— Қойил, молодес!

Мурод— Нима қилай? Телефонимни рақамини қолдириб кетсам хабар берасизларми?

Ҳамшира— Албатта акажон, жоним билан...

Мурод— (Ёзиб беради) Майли, яхши қолинглар (чиқади).

2—ҳамшира— Ажойиб одам экан. Бунақаси бўлмайди. Бегона аёлни деб шунча овора бўлиб юрса—я, қойил! Севинчи берганини айтмайсанми.

ПАРДА

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

(Туғруқхона, қабул қилиш хонаси. Манзура хола киради).

Манзура— Қизим, бир келинчакни излаб келувдим, айтолмайсизми?

Ҳамшира— Ана у рўйхатга қаранг. Исми—фамилияси, қачон келгани, ҳаммаси ёзиб қўйилган.

Манзура— Тўғриси, унинг исмини ҳам, фамилиясини ҳам билмайман, танимайман.

Ҳамшира— Қачон келган?

Манзура— Кеча, кечаси, қизча енгил бўлган. Ўғлим Муроджон олиб келиб жойлаштирган.

Ҳамшира— Эҳҳа, бўлди, бўлди. Кечаги ҳожатбарор акамизнинг оналаримисиз?

Манзура— Муроджоннинг онасиман.

Ҳамшира— Ажойиб ўғлингиз бор экан. Фахрлансангиз арзийди. Бунақалар камдан—кам ҳозир, холажон.

Манзура— Раҳмат қизим. Ман бўлсам, уни урушиб юрибман, йўлдаги аёлга нима ишинг бор эди, деб.

Ҳамшира— Одамлар ўз фарзандига бефарқ қарайди—ю, бу киши бегона бир аёлни ўлимдан сақлаб қолдилади. Раҳмат холажон.

Манзура— Муроджон ҳоли—жонимга қўймай юборди. Чақалоққа ул—бул нарсалар олиб келдим. Кирсам майлими?

Ҳамшира— Ўзи палатага кириш мумкин эмасу, лекин сизга рухсат, юринг айтиб чиқаман Холажон.

Ҳилола— Ҳилолаҳон бу ёққа чиқинг.

Ҳилола— (Ҳайрон) Ким мени сўроқлаб келди?

Ҳамшира— Мана бу холамиз.

Ҳилола— Ассалому алейкум.

Манзура— Салом қизим. Яхшимисиз. Мени Муроджон юборди.

Ҳилола— (Чеҳраси очилиб, ийманибгина) Эҳҳа, кечаги ҳайдовчи акамнинг оналаримисиз? Хижадатдаман. Миннадорчилигимни қандай изҳор қилишимни билмай турибман.

Манзура— Соғ қолибсаниз, шунисига шукур. Бирон жойингиз лат емадими?

Ҳилола— Бир умр қарздорман сизлардан.

Манзура — Қизча муборақ бўлсин (дуо қилади): Илоҳим умри билан, ризқи билан, бахти — иқболи билан берган бўлсин!

Ҳилола — Раҳмат онажон, ишқилиб онасидай бахтсиз бўлмасинда. (Хўрлиги келади).

Манзура — Иссиққина атала олиб келдим.

Ҳилола — Раҳмат, бу ерда мени сўроқлайдиган ҳеч кимим йўқ.

Манзура — Қизим, кўнглингизга олмангу бир нарсани сўрасам, майлими?

Ҳилола — Сўранг, онажон.

Манзура — Кимсиз, қаердансиз, қандай қилиб ўғлимнинг кўлига тушиб қолдингиз? Боламнинг ўзи — ку боши гурбатдан чиқмай юрибди.

Ҳилола — Холажон, ўғлингизда айб йўқ. Аксинча мен у кишининг бошига ташвиш келтирдим. Мен, мен бахти қарони кечиринг, холажон.

Манзура — Нима бўлди ўзи?

Ҳилола — Бу ерлик эмасман, ўқишга келгандим, тиббиёт коллежида ўқийман. Адашдим. Ўзимга — ўзим қилдим.

Манзура — Боланинг отасини биласизми?

Ҳилола — Билганим билан нима фойда, беном — бенишон кетган бўлса... Мангина яхши кўрмай ўлай.

Манзура — Ҳомилангизни билармиди у гўрсўхта?

Ҳилола — Билади, холажон, ота — онамни тўй қилишга кўндириб келаман, — деб кетганди, кутдим ... кутдим, ой — куним яқинлашгач, уни излашга тушдим.

Манзура — Топдингизми?

Ҳилола — Топдим, уйини излаб топдим. Онаси чимидиққа киришгача сабри чидамаган қиз келин бўлишга арзимайди, — деб эшикни юзимга ёпди.

Манзура — Ноинсоф, ахир невараси — ку?!

Ҳилола — Йўқ холажон, тўғри қилди. Сиз бўлганингизда ҳам шундай қилардингиз. Онам айтардилар: катта шаҳарда ўқиясан, ҳушёр бўл, яхши кўриш — бу ихтиёрингни бутунлай унга бериб қўйиш дегани эмас, — деб. Қулоқ солмадим (йиғлайди).

Манзура — Нима қилмоқчисиз энди?

Ҳилола — Билмадим, ўзи кесган йиғламас дейишади.

Тақдирга тан бераманда. Домлаларим эшитса ўқишдан ҳайдаши аниқ.

Манзура — Тузалиб чиқинг, бир йўлини қилармиз.

Ҳилола — (Йиғлаб ёпишади) Раҳмат онажон!!! Бир умр чурингиз бўлай.

Манзура — Майли, яхши қолинг (чиқади).

(Манзура хола чиқиб кетгач, орадан бироз вақт ўтгач, туғруқхона эшигини бир аёл тақиллатади. Ниҳоятда ўзига зеб берган, олифта кийинган, бўйни, қўллари зебу — зийнатлар билан тўлган аёл).

Ҳамшира — Ҳа онажон, кимга ишингиз бор. Ким керак сизга?

Шаҳноза — Бир аёлни излаб келувдим. Айтолмайсизми?

Ҳамшира — Қаранг, рўйхати осиб қўйилган.

Шаҳноза — Тўғри, лекин, биласизми туғруқхона рўпарасидаги каттакон дўкон меники. Ходимларим кеча тун бўйи эримнинг машинаси шу ерда турганлигини айтишди. Бугун эрталабдан қайнонам ҳам келиб кетган. Ҳайронман. Кимлари тушган экан? Мендан бошқа келинлари бўлмаса. Узатган қизлари ҳам йўқ. Хуллас, юрагимга гулгула тушди. Шунки аниқлаб беролмайсизми?

Ҳамшира — Қайнонагиз билан бирга турмайсизми?

Шаҳноза — Ҳозир қайси қайнона келин билан апок — чапок яшабди?! — Фармон бувилар билан яшади. тиз топишиш осонми? Манга қаранг синглим, (чўнтагидан пул чиқариб, ҳамширага узатади). Олинг, ҳозиргина мана шу ердан чиқиб кетган кампир кимни кўришга келди, шунки аниқлаб берсангиз бўлгани, рози қиламан. (Шу пайт иккинчи ҳамшира кириб қолади).

2-ҳамшира — Нимани бўлишашолмаяпсизлар, бунча бидир — бидирлаб.

1-ҳамшира — (Шеригига имо — ишора қилиб, кўз қисиб қўяди). Билмадим, кимнидир сўрайдилар, исми — фамилиясини билмайдилар — у. Ҳайронман.

Шаҳноза — Манга қара, э, жибала — жибон, кўп имо — ишор. қилма шеригингга, билдингми, ҳозир икковингиз ҳам етаклаб бошлигингга олиб кираман.

Ҳамшира — (Қўрқиб) Бўлди, бўлди, додламанг, юринг, ҳозир айтиб чиқаман.

Шаҳноза — Мана бу бошқа гап. Ўзинг яхши сан — у (ҳамшира

кириб Ҳилолани чақириб чиқади).

Ҳилола — Мени ким сўраб келган?

Шаҳноза — Ман, ман, жоним, ман.

Ҳилола — (Ажабланиб) Кимсиз?

Шаҳноза — Ман, ажабланманг, сиз мани танимайсиз. Ман сўроқлаб келувдим.

Ҳилола — Сизни Мурод акаб юбордиларми?

Шаҳноза — Ҳа, Мурод акангиз юбордилар (ўз — ўзига). Аллақачон ака ҳам бўлибтилар. Аканг билан қўшмазор бўл. Бу ерда бир гап бор.

Ҳилола — Ҳозиргина оналари келиб кетдилар.

Шаҳноза — Кўрдим. отингиз нима эди синглим?

Ҳилола — Отим Ҳилола.

Шаҳноза — Манга қаранг синглим, Мурод акангиз билан бирга ишлайсизми?

Ҳилола — Йўқ, ман ишламайман, ўқийман.

Шаҳноза — Бу ерга сизни Мурод акангиз олиб келдим?

Ҳилола — Ҳа, Мурод акам олиб келдилар, жойлаштирдилар. Ҳамшираларнинг айтишича, эсон — омон кўзим ёригунча кутиб ўтирибдилар.

Шаҳноза — У қароқчининг қўлига қандай тушиб қолдингиз.

Ҳилола — (Ажабланиб) Нималар деяпсиз? Қанақа қароқчи?

Шаҳноза — Синглим, кўз тегмасин, истараси иссиқ қиз экансиз, нега энди шу ҳусн — малоҳат билан бир хотинбознинг, кўнакасанинг қўлига тушдингиз?

Ҳилола — Нималар деяпсиз?

Шаҳноза — Айтинг, сизни алдадим ёки кўрқитдим? Биламан, унинг қўлидан ҳамма нарса келади ёки зўрладими? Айтинг, ўзим унинг танобини тортиб қўяман. Катта пул олиб бераман сизга, болангизга.

Ҳилола — Тушунмаяпман, ким ҳақида гапиряпсиз?

Ҳамшира — Ҳилолаҳон қанақа онасиз, болага қарасангиз бўлмайдими, тез келинг. (Ҳилола югуриб палатасига кириб кетади).

Шаҳноза — Бу ерда бир гап бор, тўхта қўлимга тушдинг.

ПАРАДА

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ (Фуқаролик ишлари суд мажлиси)

Судя — Даъвогар Бадриддиновнинг никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси илгари ҳам кўриб чиқилган. Муросага келиш учун вақт бергандик. Бирон — бир натижага келдингизларми?

Мурод — Муросага келганимизда бу ерга яна келишга ҳожат қолмасди. Жуда кўп ўйладим, бўлмади. Бисотимдаги барча сўзларимни ишлатиб бўлдим. Энди иложи йўқ. Шўрпешана, бахтсиз одам эканлигимга тўла ишонч ҳосил қилдим.

Судя — Бу ерга тушганларнинг деярли ҳаммаси ўзларини бахтсиз, шўрпешана ҳисоблашади. Қайси бирингиз шўрпешана, ўзимиз ажратиб оламиз.

Мурод — Суд бу икки томоннинг бир — бирини бадном қилиш мусобақаси деб эшитгандим. Шунга олиб келаркансизда — а?

Судя — Тушунсангиз — чи, мамлакатимизда беш миллионга яқин оила яшайди. Ҳар бири ўз билганича ажрашиб кетаверса, жамият нима бўлади? Болаларни ҳам ўйлайсизларми?

Мурод — Ўйламасдан бўладими, ҳар кунги жанжал ичидан катта бўлгандан кўра, етимча ўсгани яхши эмасми?

Судя — Нуқул жанжал, жанжал дейсиз, ўша жанжал нимадан чиқади?

Мурод — Қизиқ бир гап борда: Бир йигит йўлда кетатуриб, таниш қизга менга турмушга чиқасанми, деб сўраб қолибди. Шунда қиз: — ҳозир, ҳозир, бир ўйлаб кўрай, бўпти чиқаман, лекин кўпга эмасда, деб жавоб қилибди.

— Бу нима деганингиз, — ҳайрон бўлиб сўрабти йигит.

— Мен биров билан узоқ яшайолмайман. Уйда ҳам шунақаман. Онамдан зериксам — отам билан, отамдан зериксам — онам билан яшаб келганман. Иккаласи ҳам жонимга тегса, қишлоққа — бувимникига кетиб қоламан. Бу чўпчак эмас, бўлган воқеа. Бизнинг оила ҳам тахминан шунақа, эр бўлганимга мана ўн икки йилдан ошди, шу гап.

Сал зерикса бўлди, э йўқ, бе йўқ кетади, қолади. Тўйдан кейин сал вақт ўтмай онамдан зерика бошлади. Шунини деб онажонимни ёлғиз қолдириб, туппа — тузук ҳовлини ташлаб, домга кўчиб ўтдик.

Судя — Демак ҳамма айб хотинингизда, шундайми?

Мурод — Йўқ. Ундай демоқчимасман. Мен ҳам фаришта эмасман. Оилада бир яхши, бир ёмон келишиб кетади. Лекин бизга ўхшаб, тупроғи бир жойдан олинган эр — хотин бир умр келишолмай овозаю — дарвоза бўлиб юраркан.

Судя — Характерларингиз тўғри келмайди! Шундайми?

Мурод — Шундай демоқчимисиз? Йўқ, тескариси, характерларимиз бир — бирига тўғри келганлиги учун жиққа мушт бўлиб юрибмиз. Иккита бир хил характерли инсон бир — бирини қабул қилмайди, — дейишади — ку.

Судя — Қизиқ!

Мурод — Ҳамма бало шундаки, биз бир — биримизга ён беришни енгиллаш деб тушунамиз. Бор гапим шу. Муносабатларимиз бундан ҳам баттарлашмасин десангиз ажратинглар, илтимос, ажратинглар, барака топурлар. Ҳаммасига розиман, хоҳлаган нарсасини олиб чиқсин.

Судя — Маъқулми сизга (Шаҳнозага ишора қилиб).

Шаҳноза — Ҳеч қачон, кўриб, эшитиб ўтирибсиз, эрим ҳамма айбни бўйнига олди. Фаришта эмасман, — деб камтарлик қилди. Ман болаларни деб чидаб келаяпман, бу ҳам чидасин — да. Манга алам қиладигани бу эмас: Умрида худди бирон совға олиб бергандай, хоҳлаган нарсасини олиб чиқсин эмиш. Хотамтой бўл — е! Қаёққа чиқаман, уй ўзимники бўлса, тоғдан келган боғдагини ҳайдайди, — деганлари шу эканди.

Судя — Жўраева эрингиз никоҳни бекор қилинглаар деяпти. Нима дейсиз?

Шаҳноза — Ҳеч қачон, менинг қўйворадиган эрим йўқ (кулги). Тўғри, мен бизнес билан шуғулланаман, уйда камдан — кам бўламан. Уй ишлари билан банд бўлолмайман. Эр сифатида тижоратимга ёрдам беролмас экан, ҳеч бўлмаса халақит бермасин. Ё оилани бекаму — кўст боқсин, ёки бўлмаса уйда

жимгина ўтирсин. Егани олдида, емагани кетида бўлса, ношукур банда.

(Гапга оқсоқол аралашади).

Оқсоқол — Шундай қайсар эрни бошингизга урасизми?

Шаҳноза — Сиз жим туринг, аслида ҳаммасига сизлар, маҳалладагилар сабабчи, биз илгари бахтли яшардик.

Мурод — Мен сен билан бахтли бўлмасам, қандай қилиб, сен мен билан бахтли бўласан.

Судя — Ҳўш, маҳалла улуглари нима дейди?

Оқсоқол — Бизда шунақа гап бор:

Эр — хотин яхши бўлса, қил ўтмайди орасидан,

Эр — хотин ёмон бўлса, қўл кетмайди ёқасидан.

Биласизми, деярли ҳар кун буларнинг жанжаллари бости — бости қилиш билан овора бўлардик. Ахир айтдик Муроджонга: бординг бундай алоҳида — алоҳида яшаб кўринг, бир — бирингиздан зериккан бўлсангиз ўтиб кетиши мумкин, — деб, йўқ бўлмади. Аксинча, бошқа муаммолар чиқиб қолди.

Шаҳноза — (жаҳл билан) Оппоқ соқолингиз билан ёлғон гапиришдан уялмайсизми?

Оқсоқол — Ёлғон? Батафсил айтайми, ҳаммасини, бу ерда ота — онангиз ўтиришибти, уят бўлади. Кейинги пайтда уйингиз атрофида тунги меҳмонлар кўпайиши бизни ташвишлантиряпти. Маҳалла участка нозири ҳам ёлғон маълумотнома ёзган дейсизми? (Маълумотномани судяга уратади). Туппа — тузук муаллима эдингиз, қўшмачилик ярашадими сизга?

Судя — Бунга нима дейсиз?

Шаҳноза — Бир бизнесмен дугонам айтарди: Менга ачинишларини эмас, ҳасад қилишларини истайман, — деб. Кўролмайди танлар ҳасад қилаверишсин. Куйиб ўласин, парвойимга келмайди.

Манзура хола — Мен ҳам бир оғиз гапирай, ахир онаман, қайнонаман. Муроджон отадан бирта фарзанд. Тўғрисини айтсам, шу вақтгача кун кўрмади болам. Тўйдан кейин боши жанжалдан чиқмади — да. Заводда ишлайди, иши оғир. Салгина кечикиб келса тамом — тергаш бошланади: Қаерда эдингиз, ким билан юрувдингиз.

Нега кечикдингиз? Вақтлароқ келса ҳам шу гап, бунча тез, кун бўйи оёғим остида ўралашиб юраркансизда энди. Болагинам овқат еса ҳам бир бало, емаса ҳам бир бало, иштаҳаси тортмаса, қайси ўйнашингиз билан кайф — сафо қилдингиз. Тўрт танга топганингизни ҳам жўрабозлик қилиб тугатдингизми? — деб захрини сочади, овқат еса — бунча оч — офатсиз, улфатларингиз зиёфат қилмадимми, — дейди. Хуллас, ҳар кунни бир дилсиёҳлик бор — да. Келинжон бундай қилманг, боламни ўзингиздан совутасиз, охири ёмон бўлади десам: Сиз аралашманг, ўзим биламан, эркак зоти хамирга ўхшайди, талтайтириб юборсангиз лагандан тошиб чиқади, — деб жеркиб ташлайди. Мана охири, лагандан эмас, қуюшқондан ҳам чиқиб кетди. Набераларимга ачинаман. Келиним ўзига ўзи қилди.

Шаҳноза — (Кескин оҳангда) Келиним деманг мени. Энди мен ёмон, мана бу кўнакасалингиз яхши бўлдиларми? Шу вақтгача ман одам қилиб юривдим буни. Припаткаси тутиб алақачон ўлиб кетарди.

Мурод — Ҳа маккора, тўз сепишга устаси фаранг сан — а. Пулинг ошиб — тошиб қолганда энди биз яроқсиз бўлиб қолдикми. Шуми оқибатинг?

Шаҳноза — Касални касал дейдиларда.

Мурод — Сен билан яшаган кунларимга лаънатлар бўлсин.

Шаҳноза — Тан олинг — да.

Мурод — Тўйдан олдин авлиёга бориб нима деб қасам ичган эдик, эсингдами?

Шаҳноза — Нима дебмиз? (нописанд).

Мурод — Соғлик — касаликда, яхши — ёмон кунларда ҳамisha бирга бўламиз. Бу бизнинг муҳаббат формуламиз бўлади, — деган эдик, эсингдан чиқдимми?

Шаҳноза — Бунақа баланд парвоз сўзларни қозонда қайнатиб бўлмас экан.

Мурод — Жаноб судя, Сиз кўп одамларнинг ишини кўриб чиқасиз, айтинг — чи шунақа беоқибат оилаларни учратганмисиз?! Яқинда таниқли бир олима аёлининг эри тўғрисидаги эсадаликларини эшитиб, лол қолдим. Аёл оғир бетоб бўлиб, ўзоқ вақт ётиб қолганида эри ёнига келиб, меҳрибоналик билан гап бошлабди: Бир вақтлар Бобуршоҳ ўғли касал бўлиб қолганида Оллоҳга илтижо қилиб, "Эй Тангри, ўғлимнинг касалини менга

ўтказ, у соғайсин, дунёни кўрсин, — деб астойдил сўраган экан. Мен ҳам шундай қилмоқчиман. Онаси, сенинг ўрнингга мен касал бўлай, болаларимизнинг бахтига сен соғайсанг бўлагани, — дебди. Хотини ёнида шундай даракаши борлигидан кўнгли бузилиб, йиғлаб юбориб: Нималар деяпсиз, мен касал эмасман, дебди. Шундан кейин аёли тез тузалабошлабди. Мен эр — хотин меҳру — муҳаббатини ана шундай тушунаман. Бу эса (Шаҳнозани кўрсатиб) битта гапимиз иккита бўлди дегунча, кўзимга тик боқиб — сан касалсан, тузаламайсан, сени мен одам қилиб юрибман, — деб юзимга солгани солган. Айтинглаар (йиғлайди) мусулмонлар... (қийналиб...) шундай аёл билан яшаб бўладими? Яшаш мумкинми? (Шу пайт одамлар орасидан бир жарангдор овоз янграйди).

Мўмин — Бир оғиз гапим бор. Мумкинми? Мен ана шу шўрпешана йигитнинг қайнотасиман. Раҳмат сизга ўғлим, сабрингиз учун, бардошингиз учун. Бундан кейинги қизимнинг оиласи икки йилга ҳам бормади, дарз кетди. Менинг аҳволим аслида сизникидан кам эмас. Ҳаммасига мана бу ёвсумон сабабчи (хотинини кўрсатиб). Мана оқибати: соясига қараб тол ўсар, онасига қараб қиз ўсар, — деб бежиз айтишмаган халқимиз.

Зайнаб — (Жаҳл билан эрига ташланади) Ҳали шунақами, санга тегиб ман нима кун кўрдим? (Жанжал бошланади).

ПАРДА

ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

(Мурод билан Ҳилоланинг тўйи. Тўйхона тўрида келин-куёв. Шўх рақс ва қўшиқлар авжнда)

Қизиқчи — Она билан бола,
Гул билан лола.
Ота билан бола.
Шиша билан пиёла.
...

Қизи борнинг нози бор,
Ўғли борнинг қарзи бор.
(Қарсақлар)

Сўз кўрки мақол,
Йигит кўрки соқол.
Қиз кўрки — чи?
Лабидаги хол.
(Қарсақлар)

(Шу пайт даврага халлослаганича Шаҳноза кириб келади ва қизиқчининг қўлидаги микрофонни тортиб олади).

Шаҳноза — Биродарлар, мен ҳам бир қизиқчилик қилай. Майлими, қизим, бор, уканг билан отангни олдиға бориб ўтир! (Болалар отаси томон югуриб боради, ҳамма ҳайрон, ҳаяжонда) Азизлар, бир дақиқа диққат қилинглар! Мен ҳам бир вақтлар ана шу хонадоннинг эрка келини бўлганман. Ҳамма қатори келин-куёвни табриклашга ҳаққим бор, — деб ўйлайман. Тўй сабабчиларини табриклаш учун кимдир гул олиб келади, кимдир пул олиб келади. Мен эса куёвнинг жондан ~~эми~~ фарзандларини ола келдим (ҳамма ҳаяжонда). Тақдир ҳазилини қарангки, бундан ронпа-роса ўн икки йил олдин шу куни, худди шу жойда, айнан шу пайтда бизнинг тўйимиз ўтаётган эди. Биз бахт оғушида эдик, ўшанда. Серфарзанд бўлишимизни ният қилган иримчи янгалар қўлимизга чақалоқ тутқизинган эди. Мен ҳам яхши ният билан бугун келин-куёв ёнига болаларимни ўтқазиб қўйдим, серфарзанд бўлинглар. Дадаси, бувиси кўриб қўйсин, фарзандларининг бахтсизлиги эвазига

қанчалик бахтиёр бўлаётганлигини (Шаҳнозанинг қўлидан микрофонни тортиб олишади ва ўзини судрагандай даврадан олиб чиқишади, тўй бузилади. Мурод йиғлагудек ахволда).

Оқсоқол — Хафа бўлманг Муроджон, ҳамма аёллар сизу-биз ўйлаганчалик мунис, муштипар эмас. Аламзадалари ҳам топилиб туради, баъзи-баъзида. (Аламзода Шаҳноза яқинлашиб келади).

Шаҳноза — (Кинояли) Антиқа томоша бўлдим, куёвхон тўра?

Мурод — Ниятинга эришдингми, манга қара, мен билан олишиш жонингга тегмадимми? Қонуний ажрашдик ҳам тинч қўймайсанми?

Шаҳноза — Суда мени жанжалнинг уяси дейишди — уни оқлашим керакда, дадаси.

Мурод — На бахт берасан, на бахтга бўлишга қўйсан.

Шаҳноза — Болаларсиз бахтни бошингизга урасизми?

Мурод — Паноҳимга олай десам кўнмасанг, нима қил дейсан?

Шаҳноза — Мен нима қилай, кимнинг паноҳига кирой?

Мурод — Сенга паноҳнинг нима кераги бор? Атрофингда эҳе, қанча дўстларинг, ... ҳамкоринг.

Шаҳноза — Дўст дейсиз, дўст қолдим бу замонда!

Шу ёшга кирибман — юзта пайлоқчи,

Душманга қўшилиб, дўст ҳам айроқчи.

Энди билсам, эрингдан яхши дўст йўқ экан дунёда.

Мурод — Мағзава тўкиб бўлдинг, эрингни устидан, энди ақлинг кирдимми?

Шаҳноза — Иссиқ жароҳат совутгач дарди билинаркан дадаси.

Мурод — Манга қара, нима демоқчисан, тўйни буздинг, энди қарсақ чалиб юрмайсанми? Бор!

Шаҳноза — Мен ахмоқ қадрингизга етмадим... (йиғламсираб).

Мурод — Мен эса ана шундай ахмоқ билан яшамоқчи эмасман. Тўйхонани баҳсхонага айлантирмоқчимисан, бўлди қил!

Шаҳноза — Четдан туриб айбаш осон одамни, бошимдан не кунлар ўтмади! Ўзим биламану жоним. Бирон-бир инсон "ахволинг не?" — деб сўраб бормади. Болаларнинг инжиқликларини айтмайсизми, "бири-боғчага бормаيمان", — деб оёқ тираб олса, бири — "мактабга дадам билан бораман", — деб шарт қўяди. Дастурхон атрофида ўтирдим дегунча

кенжаси сизни сўраб йиғлаб юборади, қани энди томоғингдан овқат ўтса...

Мурод — Ўзинг шуни хоҳлаган бўлсанг, ман нима қилай.

Манзура — (Раҳмдиллик билан) Э, болам...

Шаҳноза — Билмадим, бу вақтида қадрига етмаган севгимнинг жазосидир балки...

Мурод — (Кескин) Севги? Севги дема, сен бу туйғудан эҳ-ҳэ қанчалик узоқдасан. Санга ким қўйибди муҳаббат ҳақида гапиришни?!

Шаҳноза — Менинг муҳаббатим...

Мурод — (Кесиби) Муҳаббат қандай туйғудан пайдо бўлади, биласанми ўзинг. Меҳр, садоқат, ишонч... сен булардан қанчалик узоқдасан. Пифагор дегани бу туйғуни "муҳаббат формуласи" деб атаган. Инсоф билан айт, бу туйғуларнинг қайси бири сенда бор. Қўй энди, Шаҳноз, меҳмонларни узатай. Жанжал кўтарма, ўртада болаларимиз бор. Ахир қадирғочлар ҳам инларини тарқ этаётганларида уни бузиб кетмайдилар — ку, шундай эмасми?

Шаҳноза — (Талвасага тушиб) Йўқ! Йўқ... мен яшамайдиган уйни бузаман. Чил — парчин қиламан, ўт қўяман.

Мурод — Маёна, яна аслингга қайтдинг. Ўт қўйиб бўлдинг — ку азизим.

Шаҳноза — Бошимни қайси деворга урай, дадаси.

Мурод — (Юпатишга уриниб) Манга қара, Шаҳноз, нимага бунча қўйинасан, пулинг бор, давлатинг бор, қўлингни қаерга чўзсанг етади. Мендай жанжалкашни бошингга урасанми?

Шаҳноза — Тўғри айтасиз, пулим бор, молу давлатим ҳам етарли. Сиз вақтида олиб беролмаган тилла тақинчоқларим ҳам қўшша — қўшша. Эсингиздами, алоҳида уй олинг, деб аразлаб кетгандим.

Мурод — Бунақа аразлар сон — саноқсиз бўлган, қайси бирини эслай.

Шаҳноза — Мана ҳозир худога шукур, уйим ҳам бор, ҳовлим ҳам бор.

Мурод — Яхши, мазза қилиб юр ўша ҳовлингда!

Шаҳноза — Лекин уйда тинчим йўқ, оилада ҳаловатим йўқ, болаларим олдида қадрим йўқ, ҳурматим йўқ. Болаларни шунчалик ўзингизга ром қилиб олган

экансизки ... ҳайҳотдек ҳовли ютаман дейди, худди арвоҳ кезиб юргандай кўрқинчли.

Мурод — Жуда катта кетувдинг — ку. Пул бўлса жангалда шўрва — деб.

Шаҳноза — Хато ўйлабман, жуда хато ўйлабман, дадаси. Давлати борнинг бахтли бўлган ёлгон, ўйнагани ёлгон, кулгани ёлгон, — эканлигини энди тушуниб олдим. Энди билсам, пул ҳам дард экан, дадаси. Аёлни эридан, фарзандни онасидан, укани акасида, отани ўғлидан айирадиган бедаво дард экан. Энди кўзим очилди.

Мурод — Кеч, жуда кеч Шаҳноз.

Шаҳноза — Кечиринг дадаси, кечиринг. Тиз чўкиб узр сўрайман (тиз чўкади). Кечиринг дадаси. Тиз чўкиб узр сўрайман.

Мурод — Ер ўлиб ялинсанг ҳам энди фойдаси йўқ. Кечириш шунчалик осон эканми? Кечириш — бу барча қилғиликларингни унутишдир. Хўш, айт, не куйларга солмадинг мани. Бошингда эринг бўлатуриб, қўшмачилик қилганингни унутиш мумкинми? Бола — чақасини боқолмаган эр — эр бўлгани деган таъналарингни унутиб бўладими? Хўш, кечирдим ҳам дейлик. Кечирдим десам, сенга енгил бўладими? Бир умр тили қисик бўлиб ўтишга розимисан. Сен сиртингга чиқармай юришинг мумкиндир, лекин бечора отангга жабр бўлди. Орияти дош беролмай фарёд уриб суд залидан чиқиб кетди. Бизда шунақа ўзи, тарбияни она беради, раҳматни ота эшитади. Тарбияни она беради — номусга ота қолади.

Шаҳноза — Дадамнинг фарёдига ҳам, онамнинг қарғишларига ҳам чидайман. Айтишади — ку ўзи кесган йиғламас, деб. Фақат сиз кечирсангиз бўлагани.

Мурод — Жиннимисан?

Шаҳноза — Хато қилдим, пушаймонман. Яна бир марта имконият беринг, дадаси.

Мурод — Ҳеч нарса бўлмаганидек шунчаки, хато қилдим дейсан — а. Хатонинг бадалини тўлаш керакми, йўқми?

Шаҳноза — Тўлайман, тўлайман, ортиғи билан тўлайман. Доллар биланми, сўм биланми?

Мурод— (кесиб) Яна пул дейсана. Нима бало туғилганинда онанг танглайингни пул билан кўтарганми, дейман. Виждон азоби деган нарсани биласанми?

Шаҳноза— Ахир ҳатто одам ўлдирганларни ҳам кечиришяпти— ку! (Зорланади)

Мурод— Одам ўлдиргани қонун кечиради, виждон эмас. Агар билсанг аёл зоти ҳамиша, бир умр виждон синовига бўлади. Аёлнинг номуси ўздан қиммат туради, биласанми шуни? Мана бу ривоятни эшит, зора ақлинг кирса: Боғдод подшоси дам олиш ниятида ўз боғига боради. Иттифоқо шу пайт боғбоннинг соҳибжамол хотинини кўриб, унга ишқи тушади. Бир ишни бажариб келиш баҳонасида унинг эрини узоқ бир ерга жунатади, сўнгра боғ дарвозаларини беркитиб келишни аёлга буюради. Хотин келгач, барча эшикларни беркитиб келдингизми,— деб сўрайди. Шунда аёл "Ҳаммасини беркитдим, фақат виждон эшиги қолди, бу эшикни беркитиш эса қўлимдан келмайди" дебди. Аммо подшоҳ подшоҳ—да, куч ишлатмоқчи бўлганида, оқила аёл: Подшоҳим жониворлар шахоншоҳи йўлбарснинг ҳеч вақт паст кетиб, бўри ўлжасига келиб қўшилганини кўрганмисиз,— дейди. Бу гапни эшитган ҳукмдор бир лаҳза лол қолади, қилимишидан хижолат чекиб, узр сўраб, боғни тарк этади. Аёл ҳамма замонларда муқаддас ҳисобланган. Сен бўлсанг, ҳамма айбни замонга тўнкайсан.

Шаҳноза— Виждон, виждон—дейсиз, сизда виждон бўлса боласининг бошини силайман деб, онасига уйланиб олармидингиз, хўрланган, алданган бир муштипар бўлса.

Ҳилола— Қани энди ҳамма эркаклар (Муродни кўрсатиб) мана шу одамдай "виждонсиз" бўлса, жон—жон дердик.

Шаҳноза— Сен нега тиржаясан, келиб—келиб энди, сенга кулги бўлдимми? Яшамагур. Сен нодонни огоҳлантирмаганмидим.

Ҳилола— Мурод акамнинг сон—саноқсиз айбларини, айтиб огоҳлантиргандингиз, опагон. Қурумсоқ дедингиз, ўтакетган хотинбоз дедингиз, тузалмас

касали бор, бир кун келиб қўлингда жон беради,— дедингиз. Лекин шунча қусурларини билатуриб, қалбим кўрғур шу кишини айтиб турса, нима дейсиз? Муҳаббат дегани ҳеч нарсга талаб этмайдиган туйғу экан, опагон.

Шаҳноза— Муҳаббатинг билан қўшмазор бўл!.. Ўз болаларингни отасини уйлантириш қанчалик азоб эканлигини билсайдинг...

Радиодан ҳофизнинг дардли овози янграйди.

Севган бўлсам бир замонлар сеvgан эдим,
Куйган бўлсам оташларда куйган эдим.
Бевафо ёр ситамингдан тўйган эдим,
Энди сенга ишонмайман гул бўлсанг ҳам,
Алдаб—алдаб яна менга эл бўлсанг ҳам.
Бу дунёда садоқат йўқ, вафосизлик
Энди сенга ишонмайман гул бўлсанг ҳам.

(Шаҳноза аламли кўз ёшлари билан Муродга зорланиб, қараб қолади).

(ТАМOM)

Аҳрор ҲАСАНОВ

МУҲАББАТ ФОРМУЛАСИ
ЁКИ
ВИЖДОН АЗОБИ
(етти кўринишли драма)

Муҳаррир: С.Салим БУХОРИЙ
Тех.муҳаррир: Г. САМИЕВА
Компьютер дастурчиси: Ф. ГАСАНОВА
Операторлар: З. БОБОЕВА
Ф. БОЛТАЕВА

Теришга берилди 20.02.2008 йил. Босишга рухсат
берилди 17.03.2008 йил. Босма табағи 2.5. Адади 500.
Буюртма № 468.

"Бухоро" нашриёти. Бухоро шаҳар, И. Мўминов
кўчаси, 27 – уй.

"Ёқуб Довуд" босмаҳонасида чоп этилди. Бухоро
шаҳар, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 27 – уй.